



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
SHOVOT TUMANI HOKIMINING
QARORI**

221000, Shovot tumani, Turkiston ko‘chasi 73-uy, telefon: (62) 34-51-882, faks: 34-51-900

2021 -yil 28 - *iyul* 167 -son

Shovot t.

Тумандаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақида

Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М.Курбановнинг 2021 йил 27 январдаги 18-сонли ёзишмасини кўриб чиқиб, туманда йўл-транспорт ҳодисаларини содир этилиши ва тирбандликнинг ҳосил бўлишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилиши профилактикаси, йўл транспорт ҳодисалари ва йўллар бандлигининг олдини олиш, йўлларни сақлаш ва уларнинг йўл белгилари, ахборот кўрсаткичларини ўрнатиш, ушбу орқали йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. 3-сон, 23-модда, 2017 й. 36-сон, 958-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХП-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25 моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Асавей” маҳалласи ҳудудидаги Гулистон ва А.Қаххор кўчаларини боғловчи йўлга 3.2 “Ҳаракатланиш таъқиқланган” таъқиқловчи йўл белгисини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори (Х.Мадаминов), туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ғ.Қаландаров), туман Ободонлаштириш бошқарма (М.Курбанов)ларга ваколатлари доирасида келишув асосида йўл белгисини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тартибда ўрнатилишини таъминлаш ҳамда ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

3. Мазкур қарор “Шовот истиқболи” рўзномасида расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

4. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (М.Искандарова) ушбу қарорни рўзномада нашр этилишини ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Отажанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.в.б.



Б.Отажанов